
Фарғона шаҳрида кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари давом этмоқда

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳамда 73 та маҳалла фуқаролар йиғинлари, корхона ва ташкилотлар ҳамда таълим муассасалари томонидан “Наврўз” умумхалқ байрамига пухта тайёргалик кўрилмоқда.

Айни кунларда барча маҳаллаларда ҳашар йўли билан қабристон ва зиёратгоҳлар тозаланиб, ариқлар ковланмоқда. Шунингдек, кўчат экиш, дарахтларга шакл бериш, оқлаш ишлари амалга оширилаяпти.

Хусусан, “Баркамол” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам дам олиш кунлари кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Маҳалладаги эҳтиёжманд оилалар холидан хабар олиниб, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ишлари амалга оширилди. Кўп қаватли уйлар олдидаги бўш турган ер майдонлари чопилиб, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

2023-03-06 15:47:49